

## **Тил ўзаро тотувлик, манавият ва ривожланиш омили**

2021 йил 23 апрелда институтимизга Москва давлат педагогика университети Филология институти “Рус тилидан дарс бериш методикаси” кафедраси мудири, педагогика фанлари доктори, профессор Янченко Владислав Дмитриевич ташриф буюрди. Янченко В.Д. билан “Сув хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш” факультети “Ўзбек тили ва адабиёти” кафедраси профессор-ўқитувчилари ҳамда факультет талабалари учун мастер класс ўтди. Дарс турли ўйинларга бой, топишмоқлар, бош қотирмалар асосида ўтилди. Талабалар ва профессор-ўқитувчилар учун фойдали, қизиқарли бўлди. Янченко В.Д. билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги оғзаки сухбат “Ўзбек тили ва адабиёти” кафедраси профессор-ўқитувчилари билан давом эттирилди. Суҳбат давомида профессор-ўқитувчиларнинг малака ошириш, биргаликда ўқув қўлланма ва услубий ишланмалар яратиш, PhD тайёрлаш каби жуда муҳим масалалар бўйича оғзаки келишувларга эришилди.



**ТИҚҲММИ матбуот хизмати**